2007 YIL 1 MAY, SESHANBA

QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 53 (7.202). Sotuvda erkin narxda

Бугунги сонда:

Рағбат ўрнига қўйилади

(3-бетда)

Рўёбга чиққан орзу

(2-бетда)

"Нефтчи" якка пешқадам

(4-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида

9 май умумхалқ байрами - Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 62 йиллиги муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 50 000 (эллик минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашув ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 27 апрель

"Евроосиё карпет" қўшма корхонасининг Жиззах шаҳридаги 2-филиали ўтган йили ўз фаолиятини бошлаган эди. 95 киши иш билан таъминланган мазкур корхонада бир кунда 1000 квадрат метр гилам тайёрланмоқда.
СУРАТДА: гилам асосини тайёрлаш бўлими ишчиси Нилуфар Қоражонова.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

Иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 апрель куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикасининг Тараққиёт ва ислоҳот ишлари бўйича давлат қўмитаси раиси Ма Кайни қабул қилди.

- Биз Ўзбекистон билан Хитой ўртасида қарор топган муносабатларни қадрлаймиз, - деди Ислом Каримов. - 2005 йили Пекинда мамлакатларимиз ўртасида стратегик аҳамиятга молик ҳужжат – Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома имзоланди. Ўзаро муносабатларимиз йилдан-йил тобора бой мазмун касб этмоқда.

Хитойнинг БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси эканлиги, халқаро аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда унинг нуқтаи назари ва қарашларига алоҳида эътибор берилиши, ҳарбий салоҳияти, коинотни тадқиқ этишдаги ютуқлари, шунингдек, ялпи ички маҳсулот, ташқи савдо ва экспорт ҳажми жиҳатидан етакчи ўнликка кириши, иқтисодий ўсиш борасида олдинги ўринларда туриши Чин юртининг жаҳон иқтисодиёти ва халқаро сиёсат майдонидаги юксак нуфузидан далолатдир. «Осиё аждарлари»нинг аксариятини анча ташвишга солган 1997 йилги Жанубий-шарқий Осиё иқтисодий бўҳрони Хитойга жиддий таъсир кўрсатмагани ҳам унинг нечоғли қудратли ва салоҳияти баландлигини кўрсатди.

Ўзбек ва хитой халқлари алоқаларининг тарихи Буюк ипак йўли давридан - неча минг йилликлар қаридан бошланади. Бугунги алоқалар хозирги замоннинг энг долзарб талабларига мос ҳолда ривожланиб бормоқда. Албатта, бунда икки давлат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига қарашлари, халқаро ва минтақавий муаммоларга ёндашувлари ўхшаш эканлиги, Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао ўртасида мустаҳкам дўстона муносабатлар қарор топгани муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида давлат раҳбарлари, вазирлик ва идоралар, илмий доиралар, маданият ва санъат намояндалари, иш одамлари даражасидаги учрашувлар мунтазамлик касб этгани ҳам икки томонлама муносабатлар ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ҳурмат асосида равнақ топиб бораётганидан далолатдир. 2004 йили ХХР Раиси Ху Цзиньтао давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. 2005 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Хитойга борди. Пекин саммити асносида Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао томонидан имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига кўтаришга хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Хитойнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги муносабатлари ҳам ривожланиб бормоқда. Терроризм, экстремизм, айирмачилик каби таҳдидларга қарши баҳамжиҳат курашиш борасида давлатларимиз раҳбарлари ҳамфикрдир. Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган.

Мамлакатларимиз ўртасида энергетика манбаларини тадқиқ этиш ва ўзлаштириш, нефть кимёси, энергетика, транспорт, машинасозлик, алоқа ва ахборот технологиялари, таълим, спорт соҳаларидаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Техникавий-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим амал қиляпти. Бу ҳужжат алоқаларни ривожлантириш жараёнини соддалаштиришга, янги йўналишларни очишга хизмат қилади. Савдо-саноат палаталари, иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги вазирликлари ўртасида ўзаро алоқалар йўлга қўйилган.

Сармоявий ҳамкорлик хусусида Тошкент ва Пекин саммитларида эришилган келишувлар Ўзбекистонга қарийб 2 миллиард АҚШ доллари миқдорида Хитой инвестицияси киритилишини назарда тутишини таъкидлаш жоиз. Жумладан, нефть-газ соҳасидаги ҳамкорликка оид битимнинг молиявий қиймати 600 миллион АҚШ долларига тенг. Яқинда Хитой Тараққиёт банки бош директори Ю Сяюпиннинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида "Алоқабанк" акциядорлик-тижорат банки билан мазкур муассаса ўртасида кредит шартномаси имзоланди. Ушбу ҳужжатга биноан Хитойнинг "Huawei Technologies" компанияси билан ҳамкорликда "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясига қиймати 18,3 миллион АҚШ долларига тенг телекоммуникация ускуналари лизинг асосида етказиб берилади.

Ма Кай Хитой Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш тарафдори эканлигини таъкидлаб, самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик истиқболига доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

(ЎзА)

Талабалар форуми

Тошкент ислом университетида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинишига бағишланган республика талабалари форуми бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги олий таълим даргоҳлари талабалари, олимлар, ўқитувчилар иштирок этди.

Тошкент ислом университети ректори Ш.Ёвқочев, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов, Тошкент Давлат шарқшунослик институти ректори Р.Абдуллаев ва бошқалар миллат қиёфаси ва нуфузи маънавиятининг нечоғли юксаклиги, қадриятларининг қадрланиши, эътиқодимиз мустаҳкамлиги билан ҳам белгиланишини таъкидладилар. Шу боис, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда боқий анъаналаримизни тиклаш ва асраб-авайлашга, аҳолини, айниқса, ёшларни буюк аждодларимизнинг бой меросига ҳурмат руҳида тарбиялашга, алломаларимиз номлари билан боғлиқ муқаддас қадамжоларни обод этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Халқимиз маънавиятининг юксалиши, миллий ўзликни англаш билан боғлиқ бундай эзгу ишлар жаҳон миқёсида ҳам кенг эътироф этилмоқда. ISESCO томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Анжуманда тинчлик, поклик, инсоф-диёнат, меҳр-мурувват манбаи бўлган муқаддас динимизнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш зиёлилар, шу жумладан, олимлар, ўқитувчилардан катта масъулият, фидойилик ва фаолликни талаб этиши алоҳида таъкидланди.

Форумда талабаларнинг исломшунослик, маданиятшунослик, ҳуқуқшунослик ва тарихшуносликка оид маърузалари тингланди ва муҳокама қилинди. Урганч давлат университети талабаси Беҳзод Ёқубовнинг «Ислом Каримов - Маъмун академиясини қайта ташкил этилишининг ташаббускори», Тошкент ислом институти талабаси Асқар Фиёсовнинг «Имом Бухорий илмий меросининг ислом оламида тутган ўрни», Тошкент ислом университети талабаси Абдумалик Тўйчибоевнинг «Ислом ҳуқуқи ва халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг ҳамоҳанглиги», Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Зилола Носированинг «Мустақиллик даврида Ўзбекистонда анъанавий ҳунармандликни тиклаш ва ривожлантириш масалалари» каби мавзуларидаги маърузалари тадбир иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди.

Тадбир доирасидаги кўргазмада университет манбалар хазинасидаги нодир қўлёзмалар, анжуман иштирокчилари тайёрлаган ижодий ишлар - расмлар, ҳунармандлик буюмлари, меъморчиликка оид лойиҳалар кўргазмаси ташкил этилди.

Ижодий викторинада эса ёшлар ислом дини тарихи, маданияти, миллий маънавиятимиз асослари бўйича ўз билимини намойиш этишди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Самарқанднинг 2750 йиллигига



Б.АКРАМОВ олган сурат-лавҳа.

Фарғона томонларда

Шаҳарда янги меҳмонхона

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдидан шаҳарда икки қаватли меҳмонхона қурилмоқда.

Бунёдкорлик ишларини Олтиариқ туманидаги 1-кўчма механизациялашган колонна масъулияти чекланган жамияти қурувчилари олиб бормоқда.

Барча қулайликларга эга бўладиган ушбу меҳмонхона қурилишига 900 миллион сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Имконият

Фарғона туманидаги агросаноат касб-ҳунар коллежига Польшада ишлаб чиқарилган, умумий қиймати 50 миллион сўмлик замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари келтирилди.

Ушбу жиҳозлар тажриба майдонининг ўзида сабзавот экинларини қайта ишлаб, қадоқлашга мўлжалланган.

Натижада, ёшлар назарий билимларини шу ернинг ўзида амалиётда мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлдилар.

Ўктамхон ХОЛДОРОВА,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Истиқлол, спорт ва адабиёт

Яқинда юртимизнинг бир гуруҳ таниқли шоир ва адиблари, етук журналистлар иштирокида Қашқадарё вилоятида "Истиқлол, спорт ва адабиёт" номли тадбир ўтказилди.

Тадбир қатнашчилари Қарши шаҳридаги М.Тошмуҳаммедов номли вилоят мусиқали драма театрида "Темурий баҳодирлар" кўрик-танловини томоша қилиб, ёш авлоднинг Соҳибқирон бобомизга хос шижоат, мардлик ва жасурлик руҳида камол топаётганига амин бўлдилар.

Косон туманидаги 17-мактаб ўқувчилари билан кечган учрашув ёрқин таассуротларга бой бўлди. Шу мактабда илк сабоқ олган Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов бугунги ёш авлод нигоҳида юртга, Ватанга бўлган садоқат тимсолини кўраётганини, Истиқлол боис ёшларимиз шундай замонавий, кўркам мактабларда таълим-тарбия олиш имкониятига эга эканлигини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Ёшлар билан юзма-юз мулоқот, қизғин суҳбатлар тумандаги 90-мактабда ҳам давом этди. Учрашувда Ўзбекистон халқ шоирлари Муманиёз Жабборов, Саййид, "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари бош муҳаррири Ўткир Раҳматов, "Ўзбекистон овози" газетаси бош муҳаррири Сафар Остонов, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев ва бошқа етук ижодкорлар билан дилдан суҳбат қурдилар.

Тадбир

Сирожиддин

Табиатнинг сеҳрли оламига чорловчи Қўнғиртов этакларида тадбир доирасида таниқли полвонлар иштирокида миллий спорт тури – қураш мусобақаси ўтказилди. Унда жаҳон чемпионлари Абдулла Тангриев, Давлат Чориев ва бошқа уста полвонларнинг чиқишларини мухлислар олқишлар билан қарши олишди.

"Истиқлол, спорт ва адабиёт" номли ушбу тадбир қашқадарёликларга янада кўтаринкилик бағишлади. Бундай тадбирлар ёшларимизнинг ўзи туғилиб ўсган она заминга, Ватанга бўлган муҳаббати ортишига хизмат қилади, албатта.

Фахриддин БОЗОРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Дунё саҳнасида

Дунёда рўй бераётган сўнгги воқеалар тўғрисидаги хабарлар билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишасиз .



Юртимизга баҳор фаслининг учинчи ойи май кириб келди. Хўш, бошланаётган ойнинг биринчи ҳафтасида об-ҳаво қандай бўлади? Бу саволга гидрометерология маркази ходимлари шундай жавоб беради.

Эртага ва келгуси куни республикамизда ўзгарувчан об-ҳаво бўлиши кутилмоқда. Айрим туманларда момақалдироқ бўлиб, қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат кечаси 12-17 даража иссиқ, кундузи 25-30 даража иссиқни ташкил этади.

Иқлим

3-5 май кунлари ҳаво очиқ гарчилик кутилмайди. Фақат Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида момақалдироқ бўлиб, қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат кечаси 12-17, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

Шу кунларда тоғли туманларда ўзгарувчан об-ҳаво бўлиши кутилмоқда. Баъзи ҳудудларда момақалдироқ бўлиб, қисқа муддатли ёмғир ёғиши эҳтимоли бор. 3-5 май кунлари ҳаво очиқ бўлади. Шамол шарқдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 5-10, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

YETTI IQLIMDAN BIR SHINGIL

Чорзодадаги хунрезлик

Покистон шимоли-ғарбида мамлакат ички ишлар вазири иштирокида бўлиб ўтаётган йиғин чоғида қўпорувчилик содир этилди.



Террорчи-камикадзе томонидан амалга оширилган портлаш 12 нафар одамни ҳаётдан олиб кетган. Ички ишлар вазири Офтоб Хон Шерпао тан жароҳати олган. Хабарларга кўра, вазир Чорзода шаҳри оммаси олдида нутқ сўзлаётганда, номаълум кимса одамлар орасидан минбар томон ўзини урган ва портлатиш мосламасини ишга туширган. Полиция маълумотича, жароҳатланганлар орасида Шерпаонинг ўғли ва хавфсизлик хизматининг расмийлари ҳам бўлган.

Терговда ҳушини йўқотди

Қирғизистон собиқ президенти Аскар Акаевнинг қизи Бермет Акаева шифохонага ётқизилди.

Бермет Акаева ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан 6 соат мобайнида тергов қилингач, аҳволи ёмонлашиб, ҳушини йўқотган. Хабарларга кўра, у Кемин қўрғонидаги оммавий тартибсизликлар юзасидан тергов қилинган. Кемин суди Бермет номзодини миллий парламент сайловоди кампанияларидан олиб ташлагач, ушбу тартибсизликлар келиб чиққан. Акаева овоз берувчиларни сотиб олиш ва оммавий тартибсизликларни уюштиришда айбланмоқда.

Ростропович оламдан ўтди

Россиянинг таниқли мусиқачиси Мстислав Ростропович Москвадаги таниқли арбоблар қабристони саналган - Новодевичьега дафн этилди.

Дафн маросимида Озарбайжон президенти Илҳом Алиев, Франция биринчи хоними Бернадетт Ширак, Испания қироличаси София ва Греция маликаси Ирина иштирок этган.

Ростропович нафақат Россия, балки бутун дунё мусиқа оламида муҳим ўрин тутган. Унинг мусиқалари ҳамиша озодлик ва алолатни куйлаган. Ростропович дунёнинг қатор давлатлари олий унвонлари, жумладан, Британияда рицарлик шарафига лойиқ кўрилган.

Жанжал билан боғлиқ истеъфо

Буюк Британия бош вазири Тони Блэр 10 май куни истеъфосини эълон қилади.



"The Daily Mirror" газетасининг ёзишича, Блэр баёнотидан сўнг етти ҳафта мобайнида лейбористлар партияси бошлиғини сайлаш жараёнлари олиб борилади. Янги бошлиқ тайинланган, у Тони Блэр ўрнини эгаллайди.

Айрим тахминларга кўра, бош вазир лавозими амалдаги молия вазири Гордон Браунга насиб этиши мумкин.

Тони Блэр истеъфоси 2006 йилдаги жанжаллар билан боғлиқ. Ўша пайтда Блэр лордлар палатасидаги ўринларни пул эвазига сотишда айбланган эди.

Хавфли террорчилар қўлга олинди

Саудия Арабистони полицияси бир кеча-кундузда 172 нафар ўта хавфли террорчиларни қўлга олишга муваффақ бўлди.

Полиция вакилларининг маълум қилишича, қўлга олинганларнинг кўпчилиги қўпорувчиликлар уюштириш мақсадида фуқаролик самолётларини бошқариш сабоғини олишган. Террорчилар турли гуруҳ аъзолари бўлишса-да, "Ал-Қоида" террор ташкилоти билан яқин алоқада бўлган. Уларнинг орасида хорижий давлатлар фуқаролари ҳам борлиги айтилмоқда.

Олиб борилган махсус амалиёт чоғида террорчиларга тегишли хонадонлардан катта миқдордаги портлатиш моддалари ва пул топилган.

Таллиндаги ҳайкал можароси

Таллиндаги Халоскор аскар ҳайкалини кўчириш билан боғлиқ муаммолар барҳам топмади.

Эстония ҳукумати Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган 14 нафар собиқ иттифоқ аскари қабри яқинидаги Халоскор аскар ҳайкалини жамоат хавфсизлигига таҳдид солаётганини важ қилиб, пойтахтдан четдаги ҳарбийлар қабристонига кўчирган эди. Воқеадан сўнг аксарияти руслардан иборат аҳоли норозилик намойишлари уюштиришни бошлаб юборишди. Тинч намойишлар оммавий тартибсизликларга айланиб кетган. Таллиндаги бир неча бино ва дўконларга ўт қўйиб юборилган, автомобиллар ағдариб ташланган. Эстония полицияси тартиббузарларни тарқатиб юбориш учун кўздан ёш оқизувчи газ ва шовқин гранаталаридан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Хабарларга кўра, эстон ва рус миллатчилари ўртасидаги тўқнашув оқибатида бир киши ҳалок бўлган ва ўнлаб одам жароҳат олган.

INTERNET хабарлари асосида Шермат САНАЕВ ва Сардор ТОШТУРДИЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 1 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	1038,51	1 Польша злотийси	453,56
1 Англия фунт стерлинги	2505,68	1 СДР	1915,71
1 Дания кронаси	230,00	1 Туркия лираси	914,16
1 БАА дирҳами	341,86	1 Швейцария франки	1042,34
1 АҚШ доллари	1255,60	1 ЕВРО	1712,89
1 Миср фунти	221,35	10 Жанубий Корея вони	13,49
1 Исландия кронаси	19,57	10 Япония иенаси	105,06
1 Канада доллари	1125,19	1 Россия рубли	48,88
1 Хитой юани	162,94	1 Украина гривнаси	248,63
1 Малайзия ринггити	366,97		

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Рўёбга чиққан орзу

Иккинчи Жаҳон урушининг қора булутлари инсоният боши устида қуюқлашгандан қуюқлашаётган йиллар. Қаҳратон қиш кечаларидан бири... Қорачадан келган, озғин, аммо истараси иссиққина болакай қорақозон атрофида куймаланаётган онаси томон илинжли мўлтирайди. "Кунжарапалов" тайёр бўлишини кутади.

Онаизор озғин, бунинг устига касалманд боласининг оғзига нима тутишини билмай бир озгина қайнаган сутга моллар ҳам оғриниб ейдиган қаттиқ кунжарани қайнатиб "Кунжарапалов" тайёрлайди. Тўнғич ўғли фронтда, эрини "рабочий батальон"га олиб кетишган, оиланинг бор бисоти бир ориқ сигир, кўрпа-тўшак ва арзимас идиш-товоқдан иборат...

Она бечора очликдан ғингшиётган Йўлдошжоннинг олдида ўзини айбдор сезади. Қорнини тўйғаза олмаган болапақирнинг жиллақурса кўнглини тўйдирмоқ учун эртак сўйлай бошлайди. Бу Йўлдошнинг энг севимли эртаги – дориломон замонлар, ёруғ кунлар ҳақидаги эртак. Боланинг кўзини уйқу элита бошлайди.

Йўлдош отанинг таъбири билан айтганда, "шўро даврида на унинг, на бошқаларнинг қанот қоқишлари учун имкон топилди". Унинг кўп тенгдошлари гап шу экан деб, ўз қанотларидан воз кечишди. Эртакларга ишонмай қўйишди. Лекин Йўлдош ота кўнглини ўша қаҳратон қиш кечасида меҳрибон онаси Ҳайит момонинг совуқдан дилдираб куйлаган эртаклари оҳанги тарк этмади. Мана шу оҳанг тафтида унинг қанотлари тобора улканлашиб бораверди. Бу қанот баланд парвозларга шай эди. Осмонни қоплаган қора булутлар қачон тарқалар экан, деб кун санарди. Ниҳоят ўша кун келди. Юрт мустақил бўлди. Энди уни чексиз само кутар эди...

Ҳеч замонда эртак ҳам ростга дўнадими? Ҳа, дўнар экан, олти ёшида отадан етим қолган ўша нимжон, касалманд, "кунжарапалов"дан қорни шишиб кетган Йўлдошжон бугун кимсан "Йўлдош фермер".

У мустақилликнинг илк йилларида ўттиз олти оила асалари билан иш бошлаган эди. Шундан бери асалари тинса тинадики, Йўлдош ота тинмайди. Бугун унинг асаларилари олти юз оилага етган. Бу, мутахассис тадбиркорнинг тили билан айтганда, йилига тўққиз тонна асал дегани, Йўлдош ота "ҳалолликда баракат" деган ҳикмат мағзини қалбига сингдирган. У сира ҳам ўз маҳсулотига ноинсофларча баҳо қўймайди. Балки халқнинг кўнглига қараб, инсоф билан бозор кўтарган нархда сотади. Ҳа, ҳалолликдан келган ризқ-рўзга, баракага



Жараён

очиқ-ойдин сўзлар экан, кибрланишни хаёлига ҳам келтирмайди. Дарҳақиқат, доно халқимиз айтмоқчи: "Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич".

Асаларидек бетиним Йўлдош ота биргина асал етиштириш билан чекланиб, чойхоналар тўрида ҳеч кимга гап бермай ўтираверіши ҳам мумкин эди. Аммо у бекор ўтиролмайди, бир соҳа билан чекланмайди ҳам, қанотларини имкони борича кенг ёяди. Ахир бу имконият унга осонликча келмади. Оз эмас, кўп эмас, парвоз дақиқаларини олтмиш йил кутди-я!

Йўлдош отанинг 57 гектар пахта, 18 гектар ғалла майдони бор. Ўтган йили у ҳар гектар пахта майдонидан 34 центнердан, ҳар гектар ғалла майдонидан 60 центнердан ҳосил йиғиб олди. Булардан ташқари, Йўлдош отанинг 800 бош қўйи, 200 бош қорамоли, 30 бош йилқиси бор. Йўлдош ота фермер хўжалигининг 2006 йилги соф даромади 90 миллион сўмдан ошиб кетди.

Отахон бойиган сари хасислиги ортиб бормоқда. Ҳатто ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам кўзини шамғалат қилиб, ўғирлаб ейишга ўрганиб қолган ҳайвонларини ҳам ҳеч нарсадан аямайди

Тезкор, тежамли, сифатли

Чигит экиш мавсумини қисқа, қулай муддатларда тугатиш мўл ҳосилга пухта пойдевор қўйиш имконини беради. Бу жараёнда тезкор, унумли экиш агрегатлари асқотиши табиий. Сирдарё вилоятига ана шундай замонавий, сифатли экадиган, автоматлаштирилган агрегатларнинг дастлабки туркуми – 12 таси олиб келинди.

Оқолтин туманидаги "Тошқиз она" фермер хўжалигида экиш жараёни билан танишдик.

–Бизларбоп сеялка экан, – дейди фермер Улуғбек Қиронов. – 43 гектар майдонга ярим кунда чигит қададик. Агрегат бир йўла саккиз қаторга уруғни доналаб, бехато ташлайди. Ушбу агрегат тракторга тиркалади. Тезлиги катта, бир кунда 60 гектардан ошиқ ерга чигит экишга муваффақ бўлинди. Гектарига уруғ сарфи 20 килограммдан. Иқтисодий жиҳатдан биз ютдик. Биринчидан, об-ҳаво ноқулай келганда мақбул фурсатларда

Мавсум

экиш имкониятини берса, иккинчидан, уруғни тежадик. Бир килограмм уруғ 1000 сўм атрофида бўлса, ўзингиз ҳисоблаб кўринг. Сеялка устида ўтирадиган одамнинг овора бўлмаслиги яна бир қулайлиқдир. Шунингдек, яганада ҳам ютамиз. Бу ҳам маблағ, вақт талаб қилади. Ана шу жиҳати билан оддий сеялкалардан устун туради.

Бу йил 43 гектар майдонда пахта етиштирамиз. 112 тонна пахта топширишга шартнома туздик. Лекин 130 тоннани мўлжаллаяпмиз. Ўтган йили 7 миллион сўмлик соф фойда билан чиққандик. Ҳозир ихтиёримизда иккита МТЗ-80, К-700 ҳайдов трактори бор. Даромадимиз яхши, рўзғоримиз бут. Ғофур Тўрабоев, Баҳодир Мўминов, Оқилбек Қиронов, Дилшод Эшбоев каби механизаторларимиз хўжалигимиз ютуқларини кўпайтириш учун жон куйдириб ишлаяптилар.

Янги экиш агрегатининг афзалликлари кўпчилик фермерларга ҳам маъқул бўлмоқда.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Баликчи туманидаги Алишер Навоий номли ип-йигирув ва тўқув ҳиссадорлик жамияти жамоаси жорий йилда 14 миллиард 628 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирган. Айни вақтда бу ерда тайёрланган маҳсулотлар Россия, Туркия, Чехия, АҚШ, Бельгия, Жанубий Корея сингари мамлакатларга экспорт қилинаётир.

Суратда: пиликлаш цехи ишчиси Шаҳноза Қосимова.

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Президентимизнинг "Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида соҳада жиддий ўзгаришлар ясалди. Ипак қурти озуқа базасининг мустаҳкамланиши, пиллачиларнинг манфаатдорлигини ошириш борасида бирмунча ижобий силжишларга эришилмоқда.

Наманган вилоятида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқдаки, бу фикрларимизнинг исботидир.

Жумладан, ипак қурти озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида вилоят бўйича 160 гектар майдонда янгидан тутзорлар барпо қилинди, бу жараён кузда яна давом эттирилади.

ПИЛЛАЧИЛИК:

Рағбат ўрнига қўйилади

Шунингдек, Хитой билан ҳамкорликда "Халил-Силк" қўшма корхонасига асос солинди. Ушбу қўшма корхона вилоят пиллакорларига бериладиган 800 миллион сўмлик бўнак пулининг 235 миллионини нақд тўлашни ўз зиммасига олган. Айтиш жоизки, мавсум арафасидаги бу ҳаракатлар мўл ҳосилга тамал қўйиб, пиллачилик ривожини таъминлайди.

Шу ўринда чустлик фермерларнинг жорий йилдаги ташаббуси ҳақида икки оғиз сўз: туман миқёсида фермерлар ҳар бир кило хом пилла учун қўшимча 5 килограммдан буғдой беришни кўзлашаяпти.

Дейлик, "Наргизабону Расулова" фермер хўжалигининг 24 гектар ғалласи бор. Ҳосил 60 центнернинг нари-берисида бўлса, 120 тонна буғдой олади. Фермер хўжалигининг пиллачилари 5 қути ипак қурти боқиб, 250 килограмм атрофида пилла олишади. Ташаббусга биноан бунинг учун 1,5 тонна ғалла кетади.

–Бу билан биз фақат ютамиз, шу манфаат сабаб беш ишчи ғайрат билан ишлайди. Натижада, ҳам пилланинг уддасидан чиқамиз, ҳам ғалла қаровсиз қолмайди. Бу учун 2 тонна буғдой кетса ҳам арзийди, - дейди фермер хўжалиги раиси Носиржон Расулов.

–Тумандаги 2650 нафар фермер барчаси шу ниятда, - дейди "Чуст пилласи МЧЖ" раиси Алижон Эргашев. –Бу ипак қурти боққан 4500 хонадоннинг ҳар бирига қўшимча буғдой киради, деганидир.

Оддий арифметика йўли билан ҳисоблаганимизда, 2475 тонна Наманган пилласи учун 12-12,5 минг тонна буғдой кетади. Ҳолбуки, вилоятда йилига 350-400 минг тонна ғалла етиштирилади.

Айтмоқчи бўлганимиз, пиллачиликни қўшимча равишда буғдой билан рағбатлантиришни ўйлаб кўриш керак.

Рустамжон УММАТОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ НУКУС ФИЛИАЛИ:

Тараққиёт таянчи

Мустақиллик даврида мамлакатимизда компьютерлаштиришни ривожлантириш ва ахборот технологияларини жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

–Хусусан ТАТУнинг Нукус филиали Ўзбекистон Президентининг 2002 йил май ойидаги "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2005 йил июндаги "Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ташкил этилган. Бу борада давлатимиз раҳбарининг яна бир неча Фармонлари эълон қилинган. Уларда белгиланган вазифаларни ҳаётга жорий этишга доир ҳукумат қарорлари ҳам мавжуд. Бундай муҳим ҳужжатларда илгари сурилган асосий вазифалардан биринчиси, мамлакатда ахборот технологияларини ривожлантиришнинг моддий-техникавий базасини вужудга келтириш, иккинчиси, соҳада энг замонавий билимларни эгаллаган малакали мутахассис кадрлар тайёрлашдир.

–Шундай долзарб вазифаларни бажаришда билим масканимиз Қорақалпоғистондаги таянч олий таълим даргоҳи ҳисобланади, - дейди Тошкент Ахборот технологиялари университетининг Нукус филиали директори, физика-математика фанлари доктори, профессор Ниятбой Ўтеўлиев.

Бугунги кунда филиал таркибида "Ахборот технологиялари" факультети, "Информатика ва ахборот технологиялари", "Табиий гуманитар ва ижтимоий фанлар" кафедралари мавжуд. Шунингдек, ўқув-услубий бўлим, ахборот технологиялари, маънавият-тарбиявий ишлар марказлари, кутубхона, девонхона ва кадрлар мониторинг бўлимлари фаолият юритмоқда. Талаба ёшларга 18 нафар профессор-ўқитувчилар сабоқ беришади. Ўқув даргоҳида ўзи сабоқ бераётган фан сирларини чуқур эгаллаган, изланувчан, малакали педагоглар жамланганлиги эътиборга молик. Доцентлар Ш.Бурҳанов, Т.Нурекеев, А.Кожаметов, илмий тажрибаларини хорижий давлатларда бойитиб келган фан номзодлари Т.Аризимбетов, Б.Негметов кабилар шулар жумласидандир.

Қисқа даврда университетнинг Нукус филиали моддий-техника базаси замонавий талаблар даражасида такомиллаштирилди, бу ерда кадрлар тайёрлаш ва илмий изланишлар олиб бориш янги босқичга кўтарилди. Филиалдаги ахборот технологиялари факультетида айни кезда малакали бакалаврлар ҳамда магистрлар тайёрланмоқда.

Китоб инсон учун ҳам дўст, ҳам ҳамроҳдир. Бу ерда ҳозирда барча қулайликларга эга бой электрон кутубхона ишлаб турибди. Унинг ёрдамида талабалар 100 га яқин фанлар бўйича маълумотлар базасига кириш ва билимларини мустаҳкамлашлари мумкин.

–Электрон кутубхона жуда қулай, энг муҳими, камхаражат. Унинг кўмагида ёшлар глобал таълим имкониятларига эга бўладилар. Улар ҳозирда жаҳондаги етакчи давлатларнинг 1000 дан ошиқ илмий журналлари бўйича очилган сайтлардан кенг фойдаланмоқдалар, - дейди филиал маънавият ва тарбиявий ишлар маркази бошлиғи Оймирза Олламбергенов. –Аслида китоб ўқиган, газета-журнал варақлаган инсон қалби зиёга интилувчидир.

Таълим

Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот кутубхонаси билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш мақсадида билим масканида амалий ҳаракатлар олиб борилаётир. Жумладан, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Тошкент Ахборот технологиялари университети билан ҳамкорликда (вилоятлардаги) барча филиаллар негизида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари ташкил этилди. ТАТУ марказида филиал ахборот ресурс марказининг етакчи мутахассиси А.Ўрозова ўз малакасини ошириб қайтди. Жумладан, ўтган йили Қорақалпоғистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳудудий бошқармаси қошидаги Ахборот ресурс маркази ходимларидан 15 нафар мутахассис ҳамда филиал профессор ўқитувчилари билан биргаликда ахборот технологиялари ва кутубхоначиликка киришиш бўйича малака ошириш курсларини ўташди. Илм даргоҳида иқтидорли ёшларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу маънода, "Иқтидорли талабалар билан ишлашни ташкил этиш ва мониторинг бўлими" фаолияти диққатга сазовордир. Бўлимда кўплаб талабалар махсус фанлардан чуқурлаштирилган билим олмоқда, аксарияти нуфузли танловларда қатнашиб, хориж давлатларида ўқиш имкониятига эга бўлишяпти. Мана, масалан, Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси, "Камолот" ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган "Келажак овози" танловининг ахборот-коммуникация технологиялари йўналиши бўйича ТАТУда ўтказилган якуний босқичда филиал талабаси Р.Джуманазарова фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. 4-курс талабаси Махида Джаксимова эса Ўзбекистон радиотехника электроника ва алоқа илмий-техника жамиятининг стипендияси соҳибаси бўлди. Университетнинг Нукус филиалида талабаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Бу эса талабаларда спортга бўлган қизиқишни орттиряпти. 2 курс талабаси Д.Қалхоразов спортнинг "муай-тай-бокс" тури бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Қунт ва сабот билан илмий изланишлар олиб бориш ўз самарасини беради. Вазирлар Маҳкамаси қошидаги фан ва технологиялар маркази томонидан эълон қилинган танловда филиал профессори Ниятбой Ўтеўлиев раҳбарлигидаги жамоа "Қорақалпоғистон Республикаси АСКда кимёвий моддалардан фойдаланишнинг экологик иқтисодий моделлари бўйича ҳисоблашлар ўтказишнинг дастурий воситаларини ишлаб чиқариш" мавзусидаги илмий иш билан қатнашиб, давлат гранти совриндори бўлишди. Ҳозирда ҳам бу ерда қизғин илмий тадқиқот ишлари олиб борилаётир.

Билим даргоҳида халқаро ҳамкорлик алоқалари ҳам йўлга қўйилган. Жумладан, 5 нафар профессор-ўқитувчи LUNIX ва мультимедиа технологиялари ҳамда ўқитувчи Т.Азимбетов эса Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида "Фан ва техника сиёсати" номли KOICA дастури бўйича ўз малакаларини ошириб қайтишди. Бундан ташқари, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси бўйича хориждаги олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш режалаштирилган.

- Аждодларимиз томонидан кўп асрлар давомида яратилган, фан ва маданиятнинг барча соҳаларига тааллуқли нодир асарлар ҳозирги кунда ҳам жаҳон халқлари маънавий дунёсини бойитиб, уларнинг камолотига хизмат қилмоқда, - дейди филиал директорининг ўқув-маънавият-маърифат, тарбия ишлари бўйича ўринбосари Гайрат Саетқамолов. - Боболаримиз бизга қолдирган бой маънавий меросни, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, уларни замонга мос равишда ижобий бойитган ҳолда келажак авлодга етказиб бериш бурчимиздир. Тошкент Ахборот технологиялари университетининг Нукус филиалида бугун, лўнда қилиб айтганда, ахборот технологиялари бўйича замонавий билим, малакага эга мутахассис кадрларнинг янги авлодлари вояга етаяпти.

Улуғбек ЖУМАЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Виждон амри билан

...Ўшанда Ўзбекистон Миллий Университети журналистика факультетининг 3-курсида ўқирдим. Талаба изланиши, тинмай ўқиши билан бирга ўз соҳасида иш бошлашни ният қилади. Бу икки жиҳатдан мақбул: биринчидан, малакаси ошади, иккинчидан, моддий манфаат кўради.

Таваккал қилиб, республикамиздаги нуфузли газеталардан бирига йўл олдим. Муҳташам "Матбуот уйи"даги "Қишлоқ ҳаёти"нинг йўлаги бўйлаб кетарканман, "Ижтимоий ҳаёт ва ҳуқуқ" бўлими, пастига эса "Бўлим мудири А.Каримов" ёзувли тахтача тамғаланган тўқ новвотранг эшик олдида тўхтадим. Қия эшикдан нимқоронғи йўлакка тушиб турган нур бу хонада кимдир борлигини билдирарди. Стол-стул ва бир компьютер билан анжомланган хона тўрида сарғиш костюм кийган 45 ёшлар атрофидаги киши ўтирган экан. Ичам жуссали, катта-катта кўзлари синчков боқиб турган бу киши бўлим мудири эканини пайқадим.

–Келинг! – йўғон ва андак дағал овоз билан саломимга шу тариқа алик олди. Телеэкранда жилмайиб кўринадиган суҳандонлару мухбирларни, факультетдаги маънавий-маърифий тадбирларда кўзимиз тушиб қоладиган

Шогирд эҳтиромн

бир-икки таларни тасаввуримга маҳкам жойлаган эканман чоғи, илк бор юзма-юз келиб турган, қоғозларга кўмилиб ўтирган журналистнинг муомаласидан тараддудланиб қолдим. Тутила-тутила ишламоқчилигимни тушунтирдим.

–Яхши, мана, газет билан танишинг. "Буни ҳаёт дейдилар", "Сиз бунга нима дейсиз?", "Атиги юз сатр" рукнида шингил материаллар беришни йўлга қўйдик. Қани, ҳозир, шу рукнлардан бирортасини танлаб, бирон нима ёзинг-чи? Қаламингизни кўрайлик-чи? – оҳанг ўша-ўша – дағалроқ бўлса-да, самимият бор эди бу сўзларда.

–Мана қоғоз, мана ручка, қани бошланг! – Абдураззоқ ака қўлимга қоғоз-қалам тутқазди-да, лабига сигарет қистирганча хонадан чиқиб кетди. Мен эса, табиий, гўё "Сизни ишга оламиз", дегандай ёқимли эшитилиб кетган "Қаламингизни кўрайлик-чи?"дан руҳланиб ишга киришдим.

Ёзганларим маъқул келармикан, дея юрагимни ҳовучлаб турибман. Абдураззоқ ака эса охирлаб бораётган сигаретини тортиб-тортиб, қораламаларимга енгил кўз югуртириб чиқди. Сўнг бош кўтариб "Ях-ши!" деди-да, яна индамай қоғозларни кўтариб чиқиб кетди. Ўн дақиқа ўтар-ўтмас шошиб кириб келди-ю, "Хўш, гап бундай..." дея "қарори"ни эълон қилди:

–Ҳар куни дарсдан чиқиб, адашмай, автобуслардан қолиб кетмай, йўлларда светофор чироқларига эътибор қилиб, эҳтиёт бўлиб шу ерга келасиз. Албатта, ҳар куни қўлингизда ҳеч бўлмаса битта янги мақола бўлсин. Ишни олиб кета олсизми, йўқми, шунга қараб чора кўрамиз!

Хуллас, роса икки ой "синов"да бўлдим ва шу муддат ичида Абдураззоқ аканинг самимий, ҳазилкаш, ёшларга ғамхўр инсон эканлигига ишонч ҳосил қилдим. У айни пайтда ўз ишига пухта, ҳуқуқи бузилган шикоятчига нажот қўлини чўзиш йўлида баъзан дуч келиб қолинадиган ҳар қандай бюрократик тўсиқни оқиллик билан енгиб ўтадиган ижодкор эканлигини билдим. Ҳуқуқий саводхонлиги билан нопокликка мойил шахсларни элга ошкор қилувчи, ижтимоий-ҳуқуқий ва аграр мавзулардаги таҳлилий мақолалар ёзишга билим ҳамда тажрибасини сафарбар этадиган журналист эканлигини англадим. Бир-бирини қувлаб ўтган беш йил давомида ишончим мустаҳкамланиб бораверди.

Абдураззоқ акани кўплаб ёшларнинг қўлидан тутган, қаттиққўллик билан эмас, балки ҳазил орқали камчиликларини юзига айтиб, ҳар қандай масъулиятсизнинг ҳам мудроқ виждонини ҳеч қурса бир неча сонияларга "уйғота" оладиган устоз, деб аташ мумкин.

–Мен шу ёшимгача кўп поғоналарни босиб ўтдим. Ишим яхши, оилам тинч, рўзғорим бут... Виждон амрига бўйсуниб яшаш керак! – Абдураззоқ аканинг тез-тез такрорлайдиган бу гапида ҳаётсеварлиги, кўз очиб-юмгунлик умрни елга совурмай, доимо ўзидан яхши ном, солиҳ фарзандлар қолдиришга интиладиган инсоннинг дунёқараши ўз ифодасини топган.

Мен Абдураззоқ акадан ҳаётсеварликни ўргандим. Журналист, ижодкор учун бу муҳим. Зотан, ҳаётни севмай, пастбаланд сўқмоқларни мардона енгмай туриб, ўзгалар кўнглига эзгулик, орзу-умид ва қувонч улашиш мушкул.

Фарида МАҲКАМОВА

BELARUS®

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ "Беларус" ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

KAMMAZ ARSENAL

Манзилимиз: Тошкент ш., Братислава кўч., 11.
Тел: 361-40-90, 361-40-33, 361-40-75
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

Тошкент шаҳар Бектемир тумани ҳокимияти томонидан 2002 йилда "XAVAS LYUKS" хусусий фирмасига берилган № 20427 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимияти томонидан 2004 йилда "O'ZGARISHAGROMASHSERVIS" МТП М-ўК'га берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянные кадастровые документы на здание № 5-18/2003 и на землю № 2042769844 по объекту торговопромышленный комплекс расположенный по адресу: г.Ташкент, Яккасарайский район, ул.Кушбеги 24, принадлежащий ООО ПКФ "KOLA SAVDO", считать недействительным.

Утерянный аттестат зрелости № 465944, выданный 1988 г. с.ш.к. № 34 г.Ангрена Ташкентской обл. на имя Щиняеву Владимиру Викторовичу, считать недействительным.

Утерянный паспорт, выданный Ангренским ГОВД на имя Щиняеву Владимиру Викторовичу вернуть за вознаграждения. Тел.: 663-14-52.

Утерянная круглая печать, выданная на ООО "Шахбоз газ" Чиланзарского района г.Ташкента, считать недействительным.

ЧФ "TTZ TRANZIT STAR" (код по ОКПО 19853389) Мирабадского района г.Ташкента сообщает о реорганизации в форме преобразования в ООО "TTZ TRANZIT STAR". Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 399-29-22.

ООО "MERAL FASHION" Хамзинского района г.Ташкента сообщает о реорганизации в форме преобразования в ЧП "MERAL FASHION". Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 294-83-79.

АЗИЗ ҲАМЮРТЛАР!

Акциядорлик тижорат "Пахта Банк"

Сизларга янги, манфаатли ва қулай бўлган

6 ой муддатга қабул қилинадиган "КАПИТАЛ" ҳамда 1 йил муддатга қабул қилинадиган "ДАРОМАД" муддатли омонат турларини,

шунингдек,

6 ой муддатга қабул қилинадиган "САРМОЯ" жамғарма омонат турини таклиф этади.

Ушбу омонат турларига йиллик 24 ФОИЗ МИҚДОРИДА даромад тўланиб, фоизларни ойма-ой олиб боришингиз мумкин!

Омонатга қўйилган пул маблағларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. қўйган маблағингиз ҳисобига олган даромадингиз соликка тортилмайди.

"Пахта Банк"нинг исталган филиалига мурожаат қилинг ва даромадингизни кўпайтиринг!

Омонатингизни кафолатли асраймиз ва кўпайтирамиз!

"ПАХТА БАНК" МУВАФФАҚИЯТИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Анвойи гулларнинг ажиб таровати, шарқираб оқаётган зилол сувдаги жўшқинлик, қир-адирлар, дов-дарахтларнинг яшилликка бурканган кўнгилга илиқ туйғулар бағишлайди.

Ҳар сафар ғамхўр маҳалладошим, биродарим, қаламкашлик борасидаги устозим, ажойиб фазилатлар соҳиби бўлган инсон тўғрисида ўйлаганимда кўз олдимга ана шу табиат манзараси бот-бот намоён бўлаверади. Гап оғир синовларни елкасида кўтариб, ҳаёт дарёсининг қил кўприкларидан букилмай, ўзини ғоз тутиб ўтган, ёниқ хотира қолдирган Исмоил Сулаймонов тўғрисида бормоқда.

Нурли из

Инсон умри турфа воқеа-ҳодисалар ичида кечади. Ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиши, оилада, жамиятда масъулиятни ҳис этиши Исмоил ака умрининг мазмунини белгилаб берган эди. У кечаётган воқеа-ҳодисаларга муносабат билдиришдаги журъати, тўғри сўзлиги, жонкуярлиги ва бошқа фазилатлари билан ажралиб турарди. Бу эҳтиросли ижодкор бизларга мерос сифатида тафаккурининг маҳсули бўлган дурдона сўзларни қолдириб кетди. И.Сулаймонов "Ўзбекистон пўлати", "Машинасозлар", "Эл отаси эди" каби қатор китобларнинг муаллифи эди.

Шу ўринда таниқли журналист ва ёзувчилар - Мақсуд Қориев ва Аҳмаджон Мелибоевнинг фикрларини келтириш жоиз: "Эл-юрт ҳурмати" ордени нишондори Исмоил Сулаймонов ҳаётнинг мураккаб чорраҳасида ўзини ғоз тутадиган, ички маданияти, ғурури баланд, турли ғовлардан вазмин ўтадиган, ўзи эҳтиёжманд бўлса-да, бошқа эҳтиёжмандларга нажот қўлини чўзадиган, ортидан келаётган избосарларга мурувват кўрсатадиган инсон эди". Исмоил ака сўз сеҳрини чуқур ҳис этувчи, ижод заҳматидан чўчимайдиган, шогирдларини худди ниҳолдек парваришлаб, ҳосилга киритишни бурчи деб биладиган устоз эди. Унинг қаламидан озиқ олган юзлаб мақолалар, лавҳалар, очерклар, қиссалар, киносценарий ва ҳикояларда унинг дунёқараши ўз аксини топганди. Ҳаётдаги шиори эса Ҳадиси шарифлардаги: "Одамнинг улуғи бўлишни истасанг - ҳеч кимдан ҳеч нарса қарз сўрама", деган муборак каломга содиқлик эди.

Исмоил Сулаймонов Ўрта Осиё университети - ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика бўлимини қалдирғочлар қатори битиргач, 1954 йилдан эътиборан "Тошкент ҳақиқати" вилоят газетасида иш бошлади. Кўп ўтмай қалами пишиқ, ташаббускор бу йигитни саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа бўлимини бошқаришга тайинлашди. Курсдошлари, тенгқурлари орасида ҳали ҳеч ким бу даражага етмаган эди. Шундан бўлса керак, дўстлари, касбдошлари ҳурмат юзасидан унга "мудир" деб мурожаат қилишарди. 1961 йилдан у муҳаррир ўринбосари вазифасида хизмат қилди.

1965 йили И.Сулаймонов "Сирдарё ҳақиқати" вилоят газетасининг муҳаррири этиб тайинланди. У ерда ўзига хос

Хотира

мактаб яратди, кўпгина ёш ижодкорларни тарбиялаб, вояга етказди.

1973 йили И.Сулаймонов зиммасига республика миқёсидаги янги нашрлар – "Қишлоқ ҳақиқати" – "Сельская правда" газеталарини ташкил этиш вазифаси топширилди. У бу ишни шараф билан бажарди ва катта ижодий жамоага ўн икки йил мобайнида бош муҳаррир сифатида раҳбарлик қилди. Унинг меҳнатлари муносиб тақдирланди: "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" унвони билан мукофотланди.

У мустақиллик даврида юз бераётган мисли кўрилмаган ўзгаришларни оммага етказишда жонбозлик кўрсатди. "Иним Тўхтасин, миллий истиқлол - оғзимиздаги луқмаи ҳалолни сақлаш учун Юртбошимиз ёнига жипслашиб, бир ёқадан бош чиқариб, кўпроқ меҳнат қилишимиз лозим. Чунки, луқмани кўп марта олдирдик, энди уни бой берадиган бўлсак, ўзбекларни бу оламда ҳеч ким назар-писанд қилмайди. Бугун халқнинг бир елкасида мустақиллик ҳуқуқи, иккинчисида мустақиллик бурчи турибди", деб уқтирарди раҳматлик. Ўзи эса одамларнинг фикрлаш доираси, шуури борган сари кенгайишини кўриб, олқишлади ва тинмай қалам тебратди. "Замондошларим", "Мен журналистман", "Сизга айтар сўзим бор", "Эл ардоғида" каби қатор китобларини ёзиб, чоп эттирди. Унинг қаламига мансуб "Шаҳзода ва канизак" қиссаси асосида бешқисмли телевизион фильм яратилди.

Бизлар маълум муддат Ўзбекистон фахрийларни қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Марказий Кенгашида бир хонада ёнма-ён ишладик. Жамғарманинг барча бўғинларида Исмоил аканинг номи фаоллар сафида эътироф этиларди. У ҳар доим фахрийларнинг қувончташвишларига елкама-елка тургани боис юртимизда

"Нефтчи"нинг "иштаҳаси" яхши

28 апрель куни футбол бўйича олий лига жамоалари Ўзбекистон чемпионати еттинчи тур ўйинларини ўтказишди.

Турнинг асосий воқеаларидан бири сифатида "Металлург" жамоаси қайд этган натижани кўрсатишимиз мумкин. Бекободлик футболчилар мавсум бошидан буён очко қўлга кирита олмай келишаётганди. Бу турда пойтахт вилояти жамоаси "Вобкент" билан ўз майдонида дуранг (0:0) ўйнади ва ўз ҳисобига дастлабки бир очкони ёзиб қўйди. Ўтган турда "Машъал"га имконияти бой берган "Насаф" бу гал ҳам мағлубиятга учради. Зарафшонда "Қизилқум" меҳмони бўлган қаршилик чарм тўп усталари навоийлик футболчиларнинг уч голига бир тўп билан жавоб беришди, холос. Чемпионат бошланганидан буён шов-шувли натижалар қайд этиб келаётган "Қурувчи" учун ҳам бу тур омадсиз келди. "Самарқанд-Динамо" меҳмони бўлган пойтахтлик футболчилар ҳар қанча уринишмасин, сафардан бир очко билан қайтишга мажбур бўлишди – 1:1. Турнир жадвалида тобора юқорилаб бораётган "Андижон" ҳам ўзининг иккинчи мағлубиятини қайд этди. "Машъал"га қарши тўп сурган андижонлик футболчилар рақиб майдонидан очкосиз қайтишди – 2:1.

Турнир жадвали карвонбошиси "Нефтчи" ўз ғалабали юришини бу турда ҳам давом эттирди. "Трактор"га қарши баҳс олиб борган Юрий Саркисян жамоаси Анвар Бердиевнинг дубли эвазига навбатдаги уч очко соҳиби бўлди. Қолган ўйинлар натижалари билан танишинг: "Локомотив" – "Шўртан" – 0:0, "Навбаҳор"–"Тўпаланг" – 2:1. Еттинчи турнинг яна бир учрашуви кеча бўлиб ўтди. Унда "Бухоро" ўз майдонида "Пахтакор"га қарши баҳс олиб борди.

Турнир жадвалида "Нефтчи" 21 очко билан пешқадамликни қўлга олган. Кейинги ўринлардаги "Пахтакор", "Қурувчи" ва "Машъал" жамоалари ҳисобида 16 тадан очко бор.

***

25-26 апрель кунлари эса биринчи лига жамоалари ўртасида ҳам еттинчи тур баҳслари бўлиб ўтди. Биринчи лига етакчиси "Сўғдиёна" ўз майдонида "Шайхонтоҳур"ни 7:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Етакчи жамоалардан "Ғаллакор" ва "Кимёгар" клублари ҳам бу турда очко йўқотишмади. "Ғаллакор" "Жайҳун"ни 1:0 ҳисобида мағлуб этган бўлса, "Кимёгар" худди шу ҳисобда "Косонсой"дан устун келди.

Қолган ўйинлар эса қуйидаги натижалар билан якунланди: "Хоразм"–"Каттақўрғон-Динамо"–1:0, "Шўрчи-Лочин"–"О.Акбаров"–2:1, "Машъал-2"–ОТМК–1:1, "Оқтепа"–"NBU-Осиё"–1:1, "Локомотив БФК"–"Шаҳрихон"–1:0, "Цементчи"–"Ромитан"–2:0, "Ўз Донг Жу"–"Зарафшон"–3:0.

Шевченкога харидор келди

Испания чемпионати етакчиси ва амалдаги чемпиони "Барселона" Лондоннинг "Челси" клуби ҳужумчиси Андрей Шевченко учун 15 миллион фунт стерлинг тўлашга тайёрлигини маълум қилди.

El Mundo Deportivo газетасида келтирилишича, Шевченко кейинги мавсум ҳам "аристократлар" сафида қолишни хоҳламаётган экан. Бундан ташқари, "Челси"да Жозе Моуриньо ишлашда давом этса, украиналик футболчининг жамоани алмаштириш эҳтимоли янада ошади. Маълум қилинишича, "Барселона" мураббийи Франк Раайкард Шевченкони "Каталония клуби ўйин услубига мос тушадиган футболчи", деб ҳисоблаган ҳолда, Самуэл Это'О ва Роналдиньолар билан бирга ҳужумда ажойиб учлик ҳосил қилишини айтиб ўтган.

Эслатиб ўтамиз, Шевченко 2006 йил ёзида "Милан"дан 40 миллион евро эвазига "Челси"га ўтганди. Англияда эса унинг иши юришмаётганидан ҳам хабарингиз бўлса керак. муросасиз баҳслар остида ўтди. 48 килограмм вазн тоифасида Муқаддас Убаева (Тошкент шаҳри) барча рақибалари устидан соф ғалабага эришди. 52 килограммли иштирокчилар ўртасида эса мезбонлар вакили Динора Донаевага тенг келадиган курашчи топилмади.

70 ва +87 килограммли қатнашчилар ичида сурхондарёлик адашлар Шоҳиста Сафарова ва Шоҳиста Ҳудойқулова Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритишди. Шунингдек, 57, 63, 78 ва 87 килограммли курашчи қизлар беллашувлари якунида

Полвонлар Қаршида куч синашишди

Қарши шаҳридаги Универсал спорт мажмуасида миллий спорт туримиз ҳисобланган кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

26-27-28 апрель кунлари ўтказилган мусобақалар ўз жозибадорлиги билан йиғилганларга олам-олам қувонч бахш этди.

Кескин ва қизиқарли баҳсларга бой бўлган чемпионат якунида ўз вазн тоифаларида қашқадарёлик Шерали Жўраев (90 кг), Нурилла Абдулла (+100 кг), сурхондарёлик Равшан Маҳмудов (81 кг), Рустам Бобомуродов (73 кг), самарқандлик Икром Нуриллаев (100 кг), Фурқат Маматов (60 кг) ва жиззахлик Олим Равшанов (66 кг) ғолибликни қўлга киритишди.

Қизлар ўртасидаги беллашувлар ҳам

И.Ихлосова (Қорақалпоғистон Республикаси), М.Аллаберганова (Хоразм), Д.Раҳмонова (Фарғона) ҳамда М.Мавлонова (Қашқадарё) олтин медалларга эгалик қилишди.

Ф.АБИЛОВ тайёрлади.

Баҳор неъматлари

Шифобахш ток барги

Токнинг нафақат хушхўр мевалари, балки барглари ҳам шифобахш неъмат сифатида қадрланади.

Абу Али ибн Сино узум барги ва жингалакларини бош оғриғи, кўз шамоллаши, меъда ва қулоқ касалликларини даволашда қўллаган.

Халқ табобатида токнинг барг ширасини кўзни равшанлаштирувчи, ток барглардан тайёрланадиган дамламалар бод касаллигини даволовчи беозор омил сифатида тавсия этилади.

Ток баргларининг дамламасидан томоқ оғриғини чайқашда, тери касалликларини ювишда фойдаланилади. Ток барглари майдаланиб, яра ва жароҳатларга қўйилса, тез битади. Ток баргининг мурғакларидан тайёрланадиган таомлар кишига қувват бағишлайди, овқатнинг осон ҳазм бўлишига хизмат қилади.

Халқ табобати амалиётида ток баргларидан тайёрланадиган дамлама бодомча безларининг яллиғланишида (ангина), бозиллатма (компресс) ҳамда обзанлар (ванна) тайёрлашда фойдаланилади. Бундай амал тери касалликларидан ҳоли бўлишга ёрдам беради. Токнинг сархил янги барги жароҳатланган аъзонинг эт олдирувчиси сифатида фойдаланилади.

Хўш, ток баргларининг бунчалик хосиятли бўлишига сабаб нима? Таҳлиллар шуни кўрсатадики, узум барглари таркибида гликозидлар, кверцетин, органик кислоталар, иносизид, аминокислоталар, каротин, С, Р белгили дармондорилар ва 2 фоиз атрофида қанд моддаси бор.

Токнинг шира тортган новдаларини истеъмол этиш ҳам фойдали. Новдалар нафақат иштаҳа очади, балки кишига қувват бағишлайди.

Хонадон соҳибалари айни баҳордаги мурғак ток барглари йиғиштириб, уларни консервалаб қўйишса, вақти келганда дўлма, ток оши тайёрлашда жуда асқотади.

Жамбилнинг хосиятлари

Бир парча еримиз бўлса, унга гулу-чечаклар қаторида, албатта, ошқўк экамиз. Жамбил, ошрайҳон, шивит, крафш, қўзиқулоқ, кашнич...



Булар таомларимизга кўрк бағишлабгина қолмай, шифобахш омил сифатида соғлиғимизга кони фойда. Масалан, жамбилни олайлик, қадимдан халқ табобатида қатор хасталикларга даво сифатида қўлланиб келинади. Жумладан, пешоб ҳайдовчи, овқатни яхши ҳазм қилдирувчи омил сифатида қаралади. Изтироб-ли йўтал ва тумовга қарши, ичбуруғ, меъда яллиғланишида, бош оғриғи, ичак фаолиятининг бузилишида тавсия қилинади. Бунинг учун 3 чой қошиқ миқдорида майдаланган жамбилнинг 2 стакан қайноқ сув билан тайёрланган дамламаси истеъмол қилинса кифоя.

Жамбил қизамиқ, меъда санчиқлари, талваса, чангак бўлишида, томир тортишида истеъмол қилиниши тавсия этилади. Жамбил билан таомлар безатилса хушхўр ва татимли бўлиши билан бирга, овқатни организмга сингишини тезлатади, организмни мустаҳкамлайди.

Маълумотларга қараганда, жамбилда кучли антисептиклик хусусияти бўлиб, зарарли микробларни нобуд қилади. Шу боисдан ҳам бронхит ва бошқа ўпка хасталиклари билан боғлиқ бўлган ҳолларда жамбил препаратлари тавсия қилинади. Жамбилни гуллаш арафасида ўриб олиб, соя-салқин жойларда қуритилиб, қиш фаслида фойдаланиш учун сақлаб қўйиш мумкин.

Доно ХЎЖАЕВА,
олий тоифадаги доришунос.

Узунлик ёшлар қувончи

2006 йилда мамлакатимизда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан қурилган спорт мажмуаларининг 71 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келган бўлса, 2007 йилга келиб бу кўрсаткич 87 фоизни ташкил этади. Жамғарма ташкиллаштираётган спорт тадбирларининг асосий қисми ҳам мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида яшовчи болалар ўртасида ўтказилмоқда.

Болалар спорти

Шундай қизиқарли спорт мусобақаларининг навбатдагиси Сурхондарё вилоятининг Узун туманида бўлиб ўтди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан қайта таъмирланган "Оқ олтин" ўйингоҳи мезбонлик қилган беллашувларда 420 нафар 12-14 ёшли ўсмир-ёшлар спортнинг кураш, футбол, волейбол, стол тенниси, шоҳмот ва қўл тўпи турлари бўйича ўзаро куч синашишди. Қизиқарли ўтган ўйинларнинг шоҳмот мусобақасида "Б.Очилдиев" (22-мактаб ўқувчилари), қизлар ўртасидаги волейбол баҳсларида "Қ.Алиев" (28-мактаб ўқувчилари), ўсмирлар ўртасида эса "Серҳаракат" (24-мактаб ёшлари) ҳамда футбол беллашувларида "Узун" (1-ихтисослаштирилган боғча-мактаб умумтаълим мажмуаси) жамоаларига тенг келадиган рақиблар топилмади.

Тадбир давомида ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилганлиги ҳам йиғилганларга ўзгача хушнудлик улашди. Айниқса, 2006 йилда Германиянинг Кёльн шаҳрида ўтказилган бадиий гимнастика фестивали иштирокчиси сариосиёлик Мадинабону Шарофуддинова ўзининг жозибали чиқишлари билан томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Уч кун давом этган мусобақалар якунида ғолиблар жамғарманинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, кам таъминлаган оилаларнинг 20 нафар фарзандига спорт кийимлари туҳфа этилди. Томошабин сифатида келган ёшларда уйғонган ҳавас уларда ҳам спортга меҳр уйғотиши ва мажмуаларга етаклаши шубҳасиз.

Фазлиддин АБИЛОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.
Анвар МУРСАҚУЛОВ,
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси матбуот котиби.

АВТОТРАНСПОРТ – КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

6 ўринли, 1,5 тонна юк кўтарувчи, "ГАЗ-330232–Фермер" автомашинаси

"ГАЗ-31105"

"ГАЗ-3202" русумли тентли юк машинаси

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖнинг ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ – AVTODOM PLUS

"ГАЗ-3309" русумли 4,5 тонна юк кўтарувчи машина

"ГАЗ-3309" русумли нон ташиш машинаси

"ГАЗ"русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тоннали юк машиналари, 3-7 ўриндиқли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фургонлар, 6-15 ўриндиқли микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш исталган усулда!

"ГАЗ-3309" русумли 4200 литр сиғимли сут ташиш машинаси

"ГАЗ-3221" русумли 15 ўринли микроавтобус

"Волга" русумли "Тез ёрдам" машинаси

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй.
Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари:
126-25-42, 126-12-94.
E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган

"Бухоро хон гули" – "Зарафшон"да

Бухоро хон гули, яъни кийиклар "Зарафшон" давлат қўриқхонаси фахри ҳисобланади. 2300 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган бу қўриқхонада 200 дан ортиқ ўсимлик ва қушлар, турли ҳайвонлар ёввойи табиат қўйнида яшамоқда.

Дастлаб бу ерга 9 бош кийик олиб келиниб, парвариш қилинган бўлса, бугунга келиб, уларнинг сони 30 бошдан ошди. Маълумки, кийиклар асосан Орол денгизи ва Амударё қирғоқларига яқин тўқайзорларда ҳаёт кечиришган. Минг афсуски, 1970 йилларга келиб, бу ноёб жониворлар шафқатсиз равишда ов қилиниши ва тўқайзорларнинг ўзлаштирилиши натижасида кескин камайиб кетган. Бу узоқ йиллар давомида эса оқибатида уларнинг йўқ бўлиб кетиш хавфи пайдо бўлди. Кейинчалик қўриқхоналарда кийиклар учун махсус муҳофаза зоналари ташкил этилиб, парвариш қилиниши уларни сақлаб қолиш йўлидаги хайрли иш бўлди. Бундай кийиклар ҳозирда "Бадай", "Рамет", "Толдиқ тўқай" каби қўриқхоналарда кўпайтирилмоқда.

Онажоним – табиат

Бугун Самарқанд вилоятида ягона бўлган "Зарафшон" қўриқхонасининг бетакрор табиати, мусаффо ҳавоси, кенг тўқайзорлар бағрида Бухоро хон гули ана шу тарзда эркин ва осойишта яшамоқда.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Утерянный гос.ордер № 15-03/621 от 06.02.1998 г. права собственности на квартиру на имя Камолходжаевой Мутаббар Нигманходжаевой, считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № 01-01/14503 от 27.11.1993 г. права собственности на квартиру на имя Фролова Нина Александровна, считать недействительным.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АҲМАД, Ўткир РАҲМАТ, Ағитай АДИЛОВ, Ўктам БАРНОЕВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25,
Котибият - 133-95-17,
Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04,
Факс - 133-44-43, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-765-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
Ⓣ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ:
700083,
Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: Ш.САНАЕВ
Саҳифаловчилар: Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ
Бош мусаҳҳиҳ: Х.ТОШХЎЖАЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-417 , ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.46.
Босишга топширилди: 21.46
Адади - 17910

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

23456